



Shahrisabz shahri, Ipak yo'li ko'chasi, 140-uy, Tel: (75) 522-52-46, (75) 522-52-49, Pochta: [ishahrisabz@sud.uz](mailto:ishahrisabz@sud.uz)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI NOMIDAN  
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Чироқчи тумани

2023 йил 6 март

\_\_\_\_\_ -сонли иш

Шахрисабз туманлараро иқтисодий суди, судья О.Қурбоновнинг раислигида, судья ёрдамчиси Р.Остоновнинг котиблигида, \_\_\_\_\_ вакили \_\_\_\_\_ (2023 йил 24 январдаги №24-сонли ишончномага асосан), \_\_\_\_\_ вакили \_\_\_\_\_ (2023 йил 06 мартдаги 203-сонли ишончномага асосан), \_\_\_\_\_ вакили \_\_\_\_\_ (2023 йил 22 февралдаги №67-сонли ишончномага асосан)лар иштирокида, \_\_\_\_\_ манфаатида, жавобгар \_\_\_\_\_ нисбатан берган даъво аризаси асосида кўзғатилган \_\_\_\_\_ сонли иқтисодий ишини Чироқчи туманлараро иқтисодий суди биносида ўтказилган очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни-

АНИҚЛАДИ:

\_\_\_\_\_ (матнда кенгаш деб юритилади) \_\_\_\_\_ (матнда даъвогар деб юритилади) манфаатида, \_\_\_\_\_ (матнда жавобгар деб юритилади)га нисбатан даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, тарафлар ўртасида 2021 йил 15 ноябрда 48-сонли (Пахта хом ашёси ва уруғлик пахта харид қилиш бўйича) шартнома тузилганлигини, шартномага асосан даъвогар жавобгарга пахта хом ашёсини етказиб бериш мажбуриятини, жавобгар эса ушбу маҳсулотни келишилган муддатларда қабул қилиб олиш ва муайян нарх бўйича ҳақини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олганлигини, даъвогар шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажарган бўлса-да, жавобгарни даъвогар олдида ўзаро таққослаш далолатномасига кўра 2023 йил 15 ноябр ҳолатида тўлаб берилмаган 90 924 391 сўмлик қарздорлиги мавжудлигини билдириб, жавобгар ҳисобидан даъвогар фойдасига 90 924 391 сўм асосий қарз, 45 462 195,5 сўм пеня, жами 136 386 586,5 сўм пул маблағларини ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилишни сўраган.

Суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган \_\_\_\_\_ вакил иштирок этмади, бироқ суд мажлисида иштирок этган \_\_\_\_\_ вакили \_\_\_\_\_ даъвони қувватлаб, уни тўлиқ қаноатлантириб беришни сўради.

Суд мажлиси муҳокамасида иштирок этган туман кенгаши вакили \_\_\_\_\_ даъвони қувватлаб, уни тўлиқ қаноатлантириб беришни сўради.

Суд мажлиси муҳокамасида иштирок этган жавобгар вакили \_\_\_\_\_ даъвони тан олиб 2023 йил 6 март ҳолатига жавобгарнинг даъвогар олдида 31 916 059 сўм қолдиқ қарздорлиги мавжудлиги тўғрисида маълумот тақдим этди.

Суд ишда иштирок этган шахснинг тушунтиришларини тинглаб, иш ҳужжатларини атрофлича ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра даъвони қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Иш ҳужжатларидан ва суд жараёнида аниқланган ҳолатлардан маълум бўлишича, тарафлар ўртасида 2021 йил 15 ноябрда 47-сонли (Пахта хом ашёси ва уруғлик пахта

харид қилиш бўйича) шартнома тузилган бўлиб, шартномага асосан даъвогар жавобгарга пахта хом ашёсини етказиб бериш мажбуриятини, жавобгар эса ушбу маҳсулотни келишилган муддатларда қабул қилиб олиш ва муайян нарх бўйича ҳақини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олган бўлса-да, даъвогар шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажарган бўлишига қарамасдан, жавобгарни даъвогар олдида ўзаро таққослаш далолатномасига кўра 2023 йил 17 январ ҳолатида тўлаб берилмаган қарздорлиги 90 924 391 сўмни ташкил этган.

Ваҳоланки, шартноманинг 4.5-бандида, харид қилинадиган пахта хом ашёси учун якуний ҳисоб китоблар ҳосил йилининг 31 декабрига қадар тўлиқ амалга оширилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сонли қарори билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида»ги Низом талаби бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини контрактация шартномасида белгиланган тартибда бажарилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси(матнда ФК деб юритилади)нинг 465-моддасига кўра контрактация шартномасига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга – тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб туриш), унинг ҳақини шартлашилган муддатда муайян баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олади.

ФКнинг 8, 234-моддаларига мувофиқ, мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

Мазкур ҳолатда тарафларнинг мажбурияти контрактация шартномасидан келиб чиққан бўлиб, ФКнинг 236-моддасида мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши белгиланган.

ФКнинг 237-моддасига кўра, мажбуриятларни бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмайди.

ФКнинг 333-моддасига асосан қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради.

Ушбу томонлар ўртасида тузилган шартноманинг 5.4-бандида, тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тўлов муддати ўтказиб юборилган тўлов сумманинг 0,4 фоизи миқдорида, бироқ муддати ўтказиб юборилган тўлов сумманинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлаши белгиланган бўлиб, шунга асосан **даъвогар томонидан жавобгардан тўлаб берилмаган 90 924 391 сўм асосий қарздорлигига** мутаносиб равишда 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда даъво талабига қўшимча ҳисобланган 45 462 195,5 сўм пеня ундириш сўралган.

Даъвогар шартнома шартларига мувофиқ, ҳақиқатда кечиктирилган қарз маҳсулот қийматига мутаносиб равишда тўлов муддати ўтказиб юборилган сумманинг 0,4 фоизи, бироқ 50 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Бироқ, даъвогар томонидан асосий қарзга нисбатан пеня суммаси тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов сумманинг 0,4 фоизи миқдорида 30 кун(*даъво аризаси имзоланган 2023 йил 30 январ кунига қадар*)га ҳисобланиши лозим бўлса-да, даъвогар томонидан 90 924 391 сўм асосий қарзга нисбатан пеня миқдори 50 фоизга нотўғри ҳисобланган.

Шу сабабли, суд даъвони ушбу пеня талабини тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов сумманинг 0,4 фоизи миқдорида 30 кун қайта

ҳисоб-китоб қилган ҳолда 10 910 926 сўм (90 924 391 сўм х 0,4 фоиз х 30 кун) пеня ундиришни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг Ўзбекистон Республикасининг “Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунини иқтисодий судлар амалиётида қўллашнинг айрим масалалари ҳақида” 2002 йил 4 мартдаги 103-сонли қарорнинг 12 бандига кўра, қонун 32-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган пеня ишлар ва хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик ҳолларида ҳам қўлланилади. Пенянинг миқдори шартнома баҳосига эмас, балки бажарилмаган мажбуриятлар қисми (тўланмаган ёки кечиктирилган тўлов суммаси, бажарилмаган ишлар, хизматлар суммаси)га нисбатан фоиз миқдорида ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги 163-сонли қарори 12-бандида, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлмаса, қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавоб бериши, мажбуриятлар бўйича қарзни тўлаш учун зарур бўлган пул маблағларининг қарздорда мавжуд эмаслиги, унинг шартлашувчи шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун керак товарларнинг бозорда йўқлиги қарздорни ФКнинг 327-моддасида назарда тутилган фоизларни ёки қонун ҳужжатларида ёхуд шартномада келишилган неустойкани тўлашдан озод этиш учун асос бўла олмаслиги қайд этилган.

Шунингдек, судда маълум бўлишича, жавобгар томонидан 2023 йил 31 январ ҳолатида 47 354 000 сўм ҳамда 2023 йил 9 феврал ҳолатида 11 550 000 сўм миқдорида қисман тўловлар амалга оширилган бўлиб, бугунги кун ҳолатида жавобгарни даъвогар олдидаги қолдиқ қарздорлиги 31 916 059 сўмни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси ИПКнинг 118-моддасига асосан суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдorigа мутаносиб равишда юкланади.

“Давлат божи тўғрисида”ги қонуннинг 19-моддасида, давлат божи тўлашдан озод қилинган давлат органлари ҳамда бошқа шахслар томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб билдирилган талабларини қаноатлантириш рад этилган ёки улар қисман қаноатлантирилган тақдирда, давлат божи ариза қайси шахсларнинг манфаатларини кўзлаб тақдим этилган бўлса, шу шахслардан даъво талабларининг қаноатлантирилиши рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундирилади деб кўрсатилган.

Бундай ҳолатда, суд, даъво талабини қисман қаноатлантиришни, жавобгар [REDACTED] даъвогар [REDACTED] фойдасига 31 916 059 сўм асосий қарз, 10 910 926 сўм пеня ундиришни, даъвонинг қолган қисмини қаноатлантиришни рад этишни, ундирилиши лозим бўлган суд харажатларини муҳокама қилиб, даъвони суд асосли деб топган 54 481 317 сўм қисмига мутаносиб равишда жавобгар « [REDACTED] Республика бюджетига 1 089 626,34 сўм давлат божи ва [REDACTED] ҳисобига 30 000 сўм олдиндан тўланган почта харажати ундиришни, даъвони суд асосиз деб топган қолган қисмига мутаносиб равишда даъвогардан ундирилиши лозим бўлган давлат божини, даъвогар давлат бож тўловидан озод этилганлиги инobatга олиб ундирмасликни лозим деб топади.

Юқоридагиларга кўра, ФКнинг 234, 236-237, 324, 327, 465-моддалари, ИПКнинг 68, 118, 113, 176 -180 ва 186-моддаларига асосланиб, суд-

### Қ А Р О Р Қ И Л Д И :

Даъво талаби қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар [REDACTED] даъвогар [REDACTED]  
[REDACTED] фойдасига 31 916 059 сўм асосий қарз, 10 910 926 сўм пеня  
ундирилсин.

Даъвонинг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилсин.

Жавобгар [REDACTED] Республика  
бюджетига 1 089 626,34 сўм давлат божи ва [REDACTED]  
[REDACTED] ҳисобига 30 000 сўм олдиндан тўланган  
почта харажати ундирилсин.

Даъвогар давлат божи тўлашдан озод этилганлиги инобатга олинсин.

Ҳал қилув қароридан норози бўлган томонлар бир ой муддат ичида шу суд  
орқали Қашқадарё вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига  
апелляция тартибида шикоят бериши (протест келтириши) мумкин.

**Судья**

**О.Қурбонов**